



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат


1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 30 август, № 169 (6604)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ГЎЗАЛ ВА БЕТАКРОРИМСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИМ, ЖОНИМ СЕНГА ФИДО, ЎЗБЕКИСТОНИМ!



Ўзликни англаш ва маънавий юксалиш

Эгиз тушунчалар жуда кўп. Ота-она, ака-ука, опа-сингил, мамлакат ҳамда миллат, тинчлик ва хотиржамлик ана шулар жумласига киради. Аммо яна шундай тушунчалар борки, давлатлар ҳамда халқлар тақдирини алоҳида ўринга эга. Эътиборлиси, эгиз қадриятлардан яна бири “Мустақиллик ва мен” тушунчасидир.

Мазкур икки тушунчани аслида бир-бирдан айро ҳолда англаш мушкул. Чунки ўзининг “мен”ига эга бўлмаган ҳар қандай инсон мустақиллик деган муқаддас тушунчани онгли равишда тушунолмайдди. Айни пайтда мустақиллик деган феномен тушунчасиз инсон ўзининг “мен”ини тўлиқ рўёбга чиқара олмайди.

Аслида, Ўзбекистон мустақиллигининг чорак аср давомида барча соҳада эришган ютуқлари замирида ҳам “Мустақиллик ва мен” тушунчаларининг том маънода уйғунликка эришганлиги туради. Шунинг учун мустақиллик йилларида мамлакатимиз раҳбари асосий эътиборни ҳар бир фуқаронинг “мен”ини топишга ёрдам беришга, унинг учун муайян шарт-шароитлар яратишга қаратди. Бу ҳаракат даб-дурустан, тасодифан амалга оширилмади. Аксинча, унинг методологияси, ҳуқуқий асоси яратил-

(Давоми 2-бетда).

ОЛИМПИАДА ГОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Жорий йилнинг 5 — 21 август кунлари Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида ўтган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган спортчиларимиз 4 олтин, 2 кумуш ва 7 бронза медални қўлга киритди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2016 йил 23 августдаги фармойишига мувофиқ, Олимпия ўйинларининг голиб ҳамда совриндорлари пул мукофотлари билан тақдирланди.

Пойтахтимиздаги “Олимпия шон-шухрати” музейида 29 август кунини Олимпиада голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган маросим бўлиб ўтди.

Президентимиз раҳнамоли-

гида барча жабҳада амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар халқимизнинг эркин ҳамда озод, тинч-осойишта, фаровон ва бахтли ҳаёт кегириши, фарзандларимизни баркамол инсонлар қилиб вояга ет-

казишда муҳим омил бўлаётгани таъкидланди.

Халқимиз энг улуг, энг азиз байрам — Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллигини кенг нишонлаётган шу кунларда ҳар биримизнинг дилимизда истиқ-

лол берган буюк неъматларга шукроналик туйғулари жўш урмоқда.

Ватан — муқаддас, унинг халқро майдонда обрў-эътиборини юксалтиришга муносиб ҳисса қўшиш энг олий бахтдир. Ўзбекистон спортчилари XXXI ёзги Олимпия ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, бутун дунёга мардлик ҳамда жасорат бобида улуг зотларнинг муносиб

ворислари эканини исботлади, халқимизнинг, Президентимизнинг ишончини оқлади, эркин ва обод Ватанимизнинг энг улуг, энг азиз байрамга муносиб тўхфа хозирлади.


Ўзбек бокс мактаби вакиллари мазкур Олимпиадада мамлакатимиз спортчилари шижоат ҳамда маҳоратда, куч ва салоҳиятда тенгсиз эканини намоён қилди.

(Давоми 2-бетда).

САНА

Мустақиллик йилларида қўлга киритаётган улкан муваффақиятларимиз тинчлик-осойишталик, изчил тараққийимиз мисолида ўзининг ёрқин ифодасини топаётти.

Фидойилик, мардлик, садоқат эътирофи



Юртимиз ҳаёти билан боғлиқ қувончли воқеалар, тарихий саналарнинг аксарияти энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида рўй берганки, ҳар йили уларни ўзгача ҳаяжон ҳамда гурур билан эсга оламиз. Давлатимизнинг бир қанча юксак мукофотлари айнан Истиқлол шукҳи кезиб юрган кунларда қабул қилинган. Улар фидокорона меҳнат қилиб, тараққийимизга муносиб ҳисса қўшаётган инсонларни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришда алоҳида аҳамият касб этапти. Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан 1995 йил 30 августда “Меҳнат шухрати”, “Шон-шараф” ордени билан мамлакатимизнинг иқтисодий, маданий юксалиши, халқ фаровонлиги ошиши, тинчлик ва барқарорлик сақланишига ҳисса қўшган, Ватанин ҳимоя қилишда фидойилик, мардлик кўрсатган юртдошларимиз, айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар мукофотланди.

Улуг аждодларимиз хотирасини тиклаш, уларга ҳурмат ҳамда эҳтиром кўрсатиш эзгу аъёнларимиздан биридир. 2000 йил 30 августда “Жалолитдин Мангуберди” ордени таъсис этилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Бобокалонимизнинг қаҳрамонлиги, эрк ва озодлик йўлидаги курашлари барчамизни мустақилликни асраш, тинч ҳамда осойишталикнинг қадрига етишга ундайди. Ватанпарварликнинг юксак намунаси сифатида юрт тақдири учун доимо дахлдорликка чорлайди.

(Давоми 2-бетда).

ХАЛҚИМИЗ БУНЁДКОРЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ



Мамлакатимизнинг Истиқлол йилларидаги изчил тараққийи улкан бунёдкорлик ишларига замин яратди. Янги саноат корхоналари, таълим ва тиббиёт муассасалари, санъат ҳамда спорт саройлари, йўл ва кўприклар, замонавий уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Мустақиллик иншоотлари деган ибора пайдо бўлди. Уларнинг кўплиги ҳамда гўзаллигидан шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб бораётир.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган бундай бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттириляпти. Нукус, Урганч, Бухоро, Самарқанд, Қарши, Термиз, Андижон, Фарғона, Наманган ҳамда бошқа шаҳарларимиз бош режа асосида қайта қурилмоқда.

Мамлакатимиз ривожини ёрқин акс эттирган Тошкент шаҳрида ҳам улкан қурилиш, ободонлаштириш ишлари олиб бориляпти. Пойтахтимиз ўзининг тарихий хусусиятларини сақлаган ҳолда, замонавий қиёфа касб этмоқда. Янги-янги иншоотлар, тураржойлар, меҳмон-

хоналар, йўл ва кўприклар, сўлим боғу хибёнлар шаҳар аҳли ҳамда меҳмонларга қулай шароит яратаяпти. Давлатимиз раҳбарининг гоёси асосида ишлаб чиқилган бош режага мувофиқ, пойтахтимизнинг Эски шаҳар қисмида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб боришмоқда. 2013 йили Хадра майдонида қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. 2014 йили Олмазор ва Шайхонтоҳур туманларида янги йўллар қурилди. 2015 йилнинг май ойида Себзор ҳамда Абдулла Қодирий кўчалари кесилган чорраҳада замонавий янги кўприк фойдаланишга топширилди.

Нурафшон кўчасининг қурилиши аҳоли учун катта қулайлик яратиш билан бирга, Эски шаҳарни замонавий масканга айлантириш борасидаги ишларга кенг йўл очди. Ҳар томони 4 тасмали бу йўл транспортлар ҳаракатини энгиллаштирди. Кўча билан параллель равишда коммунал хизматлари ва муҳандислик инфратузилмаси қурилди. Президентимизнинг 2014 йил 20 ноябрдаги Тошкент шаҳрининг Эски шаҳар қисмида замонавий тураржойлар барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига асосан, бу ерда кўп қаватли уйлар бунёд этилмоқда. Жорий

йилда 386 хонадондан иборат 20 замонавий уй-жой куриб битказилди.

Инсон манфаатларини таъминлаш, одамларга барча қулайлик яратишга қаратилаётган эътибор ҳар қадамда кўзга ташланади. Биноларни лойиҳалаштиришда иқлим шароитлари, санитария ҳамда хавфсизлик талаблари, халқимизнинг миллий ҳаёт тарзига оид барча жиҳат ҳисобга олинган. Уларни қуриш ва безатишда замонавий технология ҳамда материаллардан фойдаланилган.

Бинонинг деворлари уй ичидида иссиқликни сақлайдиган қилиб қурилган. Ҳар бир хонадонда алоҳида иссиқлик ва сув иситиш тизимлари ўрнатилган. Бу хона ҳароратини мустақил бошқариш, энергия сарфини 2 баробаргача қисқартириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

Эсдалик нишонлари топширилди

Президентимизнинг жорий йил 1 июлдаги Фармонига мувофиқ, Ватанимиз Истиқлолнинг 25 йиллигини кенг нишонлаш муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва муҳофаза қудратини юксалтириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, демократик ислохотларни амалга ошириш, жамиятимизда ҳукм сураётган миллатлараро дўстлик ҳамда тотувликни, тинчлик ва барқарорликни асраш, миллий маданиятимиз ҳамда санъатимизни ривожлантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, ёшларимизни ватанпарварлик ҳамда истиқлол гоёларига садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонини таъсис этилган эди. Айни кунларда жойларда ушбу мукофотлар ўз эгаларига топширилмоқда.

Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде ўтказилган маросимда бир гуруҳ меҳнат илгорлари эсдалик нишонларини тантанали равишда қабул қилиб олдилар. Унда сўзга чиққанлар истиқлол йилларида юртимизда барча соҳада кенг қамровли ислохотлар амалга оширилаётгани, энг муҳими, бу сайёҳаракатлар инсон, унинг манфаатлари ва аҳоли турмуш даражасини янада юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятли эканлигини таъкидладилар.

— Рағбат инсонга қанот бағишлайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Ғайрат Утемуратов. — Шу маънода, “Ўзбекистон мустақиллигига 25 йил” эсдалик нишонини билан тақдирланганимиз ҳаётимиздаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Бундай эътибор зиммамизга катта масъулият юклаши баробарида, мамлакатимиз равақига янада кўпроқ ҳисса қўшишга ундайди.

(Давоми 2-бетда).

Хурматли юртдошлар!

«Асака» банки
ЖАМОАСИ

сиз, азизларни барчамиз учун энг улуғ ва энг азиз байрам —
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни билан
чин юракдан қўлайди!

Сизга мустақкам соғлиқ, омад ҳамда муваффақиятлар тилайди!
Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Байрам муносабати билан миллий валютадаги
«МУСТАҚИЛЛИК — 25»
муддатли янги омонат турини тақлиф этади.

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, омонатга
ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан
сўнг берилади.

Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 28 турдаги
ва хорижий валютада 14 турдаги омонатларини қўлай
шартларда тақлиф этади.

Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириши мумкин.

Мурожаат учун телефонлар:
(0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	0-371	120-83-13
«Автотранспорт» филиали	0-371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	0-371	140-39-36
Юнусобод филиали	0-371	221-80-67
Сергели филиали	0-371	257-44-10
Тошкент вилояти филиали	0-371	120-84-13
Андижон вилояти филиали	0-374	223-60-74
Асака филиали	0-374	233-21-99
«Фарход» филиали	0-374	226-96-63
Фарғона вилояти филиали	0-373	244-39-14
Марғилон филиали	0-373	237-62-23
Олтиариқ филиали	0-373	432-19-80
Кўкон филиали	0-373	542-61-01
Наманган вилояти филиали	0-369	227-15-68
Навоий вилояти филиали	0-436	770-21-29
Зарафшон филиали	0-436	572-40-14
Бухоро вилояти филиали	0-365	770-05-19
Бухоро шаҳар филиали	0-365	770-11-27
Самарқанд вилояти филиали	0-366	233-65-47
«Афросиёб» филиали	0-366	221-71-76
Қашқадарё вилояти филиали	0-375	221-07-41
Сурхондарё вилояти филиали	0-376	770-82-12
Қорақалпоғистон Республикаси филиали	0-361	770-60-59
Хоразм вилояти филиали	0-362	228-14-81
Сирдарё вилояти филиали	0-367	225-44-03
Жиззах вилояти филиали	0-372	226-43-11

«Асака»
банки
сармоянгизнинг
сақланиши ва
қўлайлигини
кафолатлайди!

**СИЗНИНГ ОМОНАТИНГИЗ ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ
КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНАДИ.**

Сизнинг омонатларингиз: Хизматлар лицензияланган.

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод;
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади;
- эгалик қилиш ҳамда тасарруф этиш ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда;
- миқдори чекланмаган.

www.asakabank.uz

International EXHIBITIONS
in Uzbekistan www.ite-uzbekistan.uz

Хурматли ватандошлар!
ITE Uzbekistan
халқаро кўргазмалар компанияси

Сизни Ўзбекистон
Мустақиллигининг 25 йиллиги
билан муборакбод этади!

Юртимиз фаровонлиги йўлида амалга
ошираётган ишларингизда
улкан муваффақиятлар тилайди!

Сизнинг кўмагингиз ва тadbирларимиздаги
иштирокингиз учун миннатдорчилик
билдирамиз!

25
ЙИЛ

Guvohnoma № 3583

«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ»
ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

Истиқлолнинг 25 йиллиги
шодиёнаси билан юртдошларини
самимий муборакбод этади!
Мустақиллигимиз
абдий бўлсин!

«Ўзбекиқовқатхолдинг»
холдинг компанияси таркибига
кирадиган мева-сабзавот,
картошка, полиз маҳсулотлари
ва узумни қайта ишлайдиган
корхоналар ягона ижтимоий
тўловдан ташқари, даромад солиғи,
юридик шахслар мулк солиғи,
микрофирма ҳамда кичик корхоналар
ягона солиқ тўловидан,
давлат мақсадли жамғармаларига
мажбурий ажратмалар тўлашдан
озод этилди.

«Ўзбекиқовқатхолдинг»
холдинг компаниясига аъзо бўлиш ва
имтиёزلардан унумли фойдаланиш!

**«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ» ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ —
МАҚСАДЛАР САРИ БИРГАЛИКДА ҲАРАКАТЛАНАМИЗ.**

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич
ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган
очиқ аукцион савдосига тақлиф этади.

2016 йил 19 сентябрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Тошкент вилояти Пискент тумани СИБ томонидан 2016 йил 12 февралдаги 726-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Пискент тумани, Тўқай кўчасида жойлашган, қурилиш ости майдони 143,9 кв. м. ер саҳнида жойлашган дўкон биноси тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 22 500 000 сўм.

Аукцион савдоси Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда бўлиб ўтади.

Мазкур кўчмас мулк билан тегишли туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабдорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Талабдорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universalbank» Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050001, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион голиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.
Телефон: (0-371) 233-09-38.
Ички телефон: 258.

Хизматлар лицензияланган.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 867. 76 092 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Солиқов.
Муҳаххих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6